



“ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TASHQI IQTISODIY FAOLIYAT  
MILLIY BANKI” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ  
ЙИҒИЛИШИНИНГ  
22 – сонли баёни

Манзил: Ўзмилийбанк Бош офиси, Тошкент  
шаҳри, Амир Темурашх кўчаси, 101-уй.

2024 йил “25” январ  
Иш вақти: 11:00 – 12.55

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг ишчи  
органлари қуйидаги таркибда тузилди

**Йиғилиш Раёсати:** М.Норгитов.

**Йиғилиш котиби:** Т.Файзиев.

**Санок комиссияси:** А.Бахромов, М. Юсупов, А.Хабибуллаев

### КУН ТАРТИБИ

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки”  
акциядорлик жамиятининг акциядорларининг навбатдан ташқари умумий  
йиғилишининг санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки”  
акциядорлик жамиятининг акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши  
регламентини тасдиқлаш;
3. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки”  
акциядорлик жамияти уставига ўзгартириш киритиш.
4. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки”  
акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасига (структурасига) ўзгартириш  
киритиш.
5. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки”  
акциядорлик жамиятининг ташқи аудити I ярим йиллик бўйича ҳисоботини кўриб  
чиқиш ва тасдиқлаш;
6. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки”  
акциядорлик жамиятининг 2023 йил I ярим йиллик яқунлари бўйича соф фойдасини  
тақсимлаш;
7. “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақларида 5 йилдан ортиқ муддатдан  
буён ҳисоби юритилаётган ва ундириш манбалари мавжуд бўлмаган кредит  
қарздорликларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги Ўзмилийбанк кузатув кенгашининг  
қарорини тасдиқлаш тўғрисида.

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ (*кейинги ўринларда – “Ўзмилийбанк” АЖ*) акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Юридик хизмати бошлиғи Норғитов Мухитдин Жўрабоевич (*кузатув кенгаши аъзоси*) очди ва қуйидагиларни маълум қилди.

Банк кузатув кенгаши томонидан 2023 йил 26 декабрдаги 69 - сонли мажлис баёни билан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар ҳамда “Ўзмилийбанк” АЖнинг Уставига мувофиқ, Банкнинг акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 2024 йил 25 январда чақирилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда умумий йиғилишни ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисидаги хабар 2024 йил 3 январда Банкнинг расмий веб-сайти ва Корпоратив маълумотлар ягона порталида, шунингдек 2024 йил 5 январдаги “Халқ сўзи” газетасининг 3 – сониди, 2024 йил 6 январдаги “Правда Востока” газетасининг 4 – сониди ва 2024 йил 9 январдаги “Народное слово” газетасининг 5 – сониди жойлаштирилиб, акциядорларнинг электрон почта манзилларига (“e-xat” орқали) йиғилиш тўғрисидаги маълумот ўрнатилган тартибда юборилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ҳамда кузатув кенгашининг қарорига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар рўйхатини тузиш санасини 2024 йил 3 январ кунини этиб белгиланган.

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2024 йил 19 январ ҳолатига шакллантирилган.

2024 йил 19 январ ҳолатига банкнинг устав капитали **15 476 078 265 000,00 (Ўн беш триллион тўрт юз етмиш олти миллиард етмиш саккиз миллион икки юз олтмиш беш минг)** сўмни ташкил қилади ва у **15 476 078 265 (Ўн беш миллиард тўрт юз етмиш олти миллион етмиш саккиз минг икки юз олтмиш беш)** дона номинал қиймати **1000 (бир минг)** сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (*кворумга эга эканлиги*) бўйича сўз санок комиссияси раиси – А.Баҳромовга берилди.

“Ўзмилийбанк” АЖ акциядорларининг реестрига кўра, санок комиссияси томонидан 2024 йил 19 январ ҳолатига акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга **15 476 078 265 (Ўн беш миллиард тўрт юз етмиш олти миллион етмиш саккиз минг икки юз олтмиш беш)** дона оддий акциялар эгаси бўлган **2 (икки)** та акциядор киритилганлиги маълум қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги – **6 302 365 423 (Олти миллиард уч юз икки миллион уч юз олтмиш беш минг тўрт юз йигирма уч)** дона (**40,72%**) оддий акциялар ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш

ва тараққиёт жамғармаси – 9 173 712 842 (Туққиз миллиард бир юз етмиш уч миллион етти юз ўн икки минг саккиз юз қирқ икки) дона (59,28%) оддий акцияларга эгалик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 августдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини ислоҳ қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-283 сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси “Ўзмиллийбанк” АЖнинг Устав капиталидаги акция пакетлари бўйича акциядор ваколатларини амалга ошириш ва бошқариш функцияларини ишончнома асосида чекланмаган муддатга Иқтисодиёт ва молия вазирлигига берган (2023 йил 24 августдаги № ОЮ - 07/08-739- сонли ишончномага мувофиқ).

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Санок комиссияси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг **15 476 078 265** донасига ёки **100,0** фоизига эгалик қилувчи акциядор (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтганлиги ва умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворумга эга эканлигини маълум қилди.

Йиғилишга раислик қилувчи М.Норгитов “Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва йиғилишда банк акциядорлари, Банк бошқаруви аъзолари ва банкнинг барча департамент директорлари иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

**Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:**

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти уставига ўзгартириш киритиш.
4. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасига (структурасига) ўзгартириш киритиш.
5. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг ташқи аудити I-ярим йиллик бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
6. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2023 йил I-ярим йиллик яқунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш;
7. “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақларида 5 йилдан ортиқ муддатдан буён ҳисоби юритилаётган ва ундириш манбалари мавжуд бўлмаган кредит

қарздорликларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги Ўзмиллийбанк Кузатув Кенгашининг қарорини тасдиқлаш тўғрисида.

\*\*\*\*\*

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи Т. Файзиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби кузатув кенгаши тавсияси билан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши белгилаб кўйилганлигини айтиб ўтди.

“Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси таркиби қуйидагича таклиф этилди:

1. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Корпоратив бошқарув хизмати менеджери Баҳромов Алижон Акбарович;
2. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Портфель инвестицияларни бошқариш бўлими лойиха менеджери ассистенти Хабибуллаев Акбар Камолiddин ўғли;
3. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Лойихаларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш бўлими бош мутахассиси Юсупов Муҳаммаджон Алижон ўғли.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун кўйидаги қарор матни овозга кўйилди:

“Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси таркиби қуйидагича тасдиқлансин:

1. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Корпоратив бошқарув хизмати менеджери Баҳромов Алижон Акбарович;
2. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Портфель инвестицияларни бошқариш бўлими лойиха менеджери ассистенти Хабибуллаев Акбар Камолiddин ўғли;
3. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Лойихаларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш бўлими бош мутахассиси Юсупов Муҳаммаджон Алижон ўғли.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

**“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.**

\*\*\*\*\*

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти директори, Корпаратив бошқарув хизмати бошлиғи Т. Файзиев кун тартибига киритилган масала бўйича ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қуйидаги регламент ўрнатилишини таклиф этди:

- маърузалар бўйича муҳокамага – 15 дақиқагача;
- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 50 дақиқагача;
- кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш учун – 10 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масала бўйича овоз бериш тартиби белгиланиб олинди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- маърузалар бўйича муҳокамага – 15 дақиқагача;
- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 50 дақиқагача;
- кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш учун – 10 дақиқагача.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

**“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.**

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти директори Н.Даминов, сўзга чиқди.

2023 йил 7 сентябрда “Ўзмилийбанк” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтганлиги ва йиғилишда “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятига тегишли активларини давлат бошқарув органларига ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига топшириладиган барча активларнинг 125 494 950 000,00 сўм миқдорига Банк устав капитали ўрнатилган тартибда камайтирилиши юзасидан қарор қабул қилинганлигини таъкидлаб ўтди.

2023 йилнинг 25 декабр санасида Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 02/18-2-2/R-7 сонли Қарори тасдиқланган. Ушбу қарорга асосан банкнинг 2023 йил 20 июлда P0906-7-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишига асосан чиқарилган номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 1 183 166 823 000 сўмлик 1 183 166 823 дона оддий акциялардан 125 494 950 000 сўмлик 125 494 950 дона акциялар бекор қилиниши ва жами 1 057 671 873 000 сўмлик 1 057 671 873 дона оддий акциялар муомалада қолдирилиши бўйича қарори қабул қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Банкнинг устав капитал миқдори 15 601 573 215 000,00 (ўн беш триллион олти юз бир миллиард беш юз етмиш уч миллион икки юз ўн беш минг) сўмдан 15 476 078 265 000,00 (ўн беш триллион тўрт юз етмиш олти миллиард етмиш саккиз миллион икки юз олтмиш беш минг) сўмга ва ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 15 601 573 215 (ўн беш миллиард олти юз бир миллион беш юз етмиш уч минг икки юз ўн беш) дона эгасининг номи ёзилган оддий жойлаштирилган акциялар 15 476 078 265 (ўн беш миллиард тўрт юз етмиш олти миллион етмиш саккиз минг икки юз олтмиш беш) дона эгасининг номи ёзилган оддий жойлаштирилган акцияларга ўзгарди.

“Ўзмиллийбанк” АЖ устав капиталининг камайтирилиши муносабати билан Банк уставининг тегишли қисмига (уставнинг 4.2-бандига) ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди

“Ўзмиллийбанк” АЖ уставининг 4.2-банди қўйидагича ўзгартирилсин:

4.2 Банкнинг устав капитал миқдори 15 476 078 265 000,00 (ўн беш триллион тўрт юз етмиш олти миллиард етмиш саккиз миллион икки юз олтмиш беш минг) сўмни ташкил қилади ва ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 15 476 078 265 (ўн беш миллиард тўрт юз етмиш олти миллион етмиш саккиз минг икки юз олтмиш беш) дона эгасининг номи ёзилган оддий жойлаштирилган акциялардан иборат.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

**“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.**

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан Ходимлар билан ишлаш департаменти директори Ж.Мейлиев сўзга чиқиб қўйидагиларни маълум қилди.

2023 йилнинг 6 апрел санасида “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти тасарруфидаги барча филиаллар фаолиятини тугатиш ва улар негизида банк хизматлари марказларини ташкил этиш юзасидан банк кузатув кенгаши қарори қабул қилинган. Қарорга кўра 2023 йилнинг август ойига қадар банк тасарруфидаги барча филиаллар фаолиятини тугатиши ва улар негизида банк хизматлари марказларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, банкнинг бизнес жараёнларини оптималлаштириш мақсадида кузатув кенгашининг 2023 йил 23 декабрдаги қарорига асосан бир қанча департаментлар бирлаштирилди. Хусусан “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва қурилишни молиялаштириш” департаментининг бошқа

департамент билан бирлашиши натижасида Бошқарув раиси ўринбосарининг эгаллаб турган лавозимига ўзгартириш киритиш бўйича қарори қабул қилинди.

Шу муносабат билан, Банкнинг штатлар жадвалида “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва қурилишни молиялаштириш департаменти директори – Бошқарув Раисининг ўринбосари” лавозимининг номланишини “Бошқарув Раисининг ўринбосари” деб қайта номланди.

Юқоридагилардан келиб “Ўзмиллийбанк” АЖ ташкилий тузилмасига (структурасига) ўзгартириш киритилиши лозимлиги таъкидланди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди

“Ўзмиллийбанк” АЖ ташкилий тузилмаси (структурасига) илова мувофиқ тасдиқлансин.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

**“Ёклайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.**

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан “Ўзмиллийбанк” АЖнинг 2023 йил I-ярим йиллик бўйича ташқи аудитининг ҳисоботини тасдиқлаш” юзасидан банкнинг Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежменти департаменти директори Ф.Н. Қодиров сўзга чиқиб қуйдагиларни таъкидлади, 2023 йил I ярим йиллик якуни бўйича банк активлари 118,8 **трлн. сўм** бўлиб, активлар таркибида аҳамиятли улушга (73,3 фоиз) эга бўлган кредит (соф) қўйилмалари 87,1 **трлн. сўмни** ташкил этди. Банк мажбуриятлари 101,1 **трлн. сўм** бўлиб, шундан мижозлардан жалб қилинган депозитлар 29,2 **трлн. сўмни** ташкил этди.

2023 йил I ярим йиллик якуни бўйича соф фойда кўрсаткичи **1 556,3 млрд. сўмни** ташкил этди.

Банкнинг 2023 йил I ярим йиллик якунлари бўйича молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МСФО) асосидаги таҳлилий (обзор) текшируви “Deloitte & Touche” халқаро аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилганлигини қайд этди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг 2022 йил I - ярим йилдаги фаолияти якуни бўйича “Deloitte & Touche” ташқи аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

**“Ёклайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.**

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти директори Ф.Қодиров сўзга чиқиб “Ўзмиллийбанк” АЖнинг 2023 йил I-ярим йиллик яқунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш юзасидан қўйидагиларни таъкидлади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари” тўғрисида ПҚ-59-сонли қарорига асосан Транспорт вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, “Ўзавтосаноат” АЖ, “Ўзмиллийбанк” АЖ ҳамда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан Хитой Халқ Республикасининг йирик автобус ишлаб чиқарувчилари билан ўтказилган музокаралар натижасида Тошкент шаҳри жамоат транспорти учун 200 та 18 метрли ва 500 та 12 метрли табиий газда ишлайдиган автобуслар ҳамда 300 та 12 метрли электробуслар, Нукус шаҳри ва вилоят марказлари жамоат транспорти учун жами 1000 та табиий газда ишлайдиган автобусларни харид қилиш бўйича келишувларга эришилганлиги шунингдек, Транспорт вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда “Ўзмиллийбанк” АЖнинг мазкур бандда кўзда тутилган автобус ва электробусларни Хитой Халқ Республикаси автобус ишлаб чиқарувчиларидан тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилганлигини маълум қилди.

Шу мунособат билан мазкур автобусларни хариди молиялаштирилишини 15 фоизини «Ўзмиллийбанк» АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2023 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижалари бўйича банкнинг қутилаётган соф фойдасини тўлиқ банк капиталига йўналтириш орқали ажратиладиган кредитлар ва 85 фоизи халқаро молия институтлари ва хорижий банклардан давлат кафолати остида ажратиладиган кредитлар ҳисобидан ажратилиши юзасидан топшириқлар берилганлиги таъкидланди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди

“Ўзмиллийбанк” АЖ нинг 2023 йил I ярим йиллик яқунлари бўйича соф фойдаси 1 193 615 883 996,06 сўм эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2023 йил I ярим йиллик яқунлари бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш масаласини 2023 йил яқунлари бўйича ташқи аудиторлик компаниясининг яқуний ҳулосалари олингандан сўнг банк акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқилсин.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

**“Ёклайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.**

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан Кредит қарздорликларини ундириш департаменти директори З.Калонов сўзга чиқиб, “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақларида 5 йилдан ортиқ муддатдан буён ҳисоби юритилаётган ва

ундириш манбалари мавжуд бўлмаган кредит қарздорликларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қуйидагиларни маълум қилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4540-сонли Қарори талаблари ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги (рўйхат рақами 2696, 14.07.2015 йил) Низом талабларидан келиб чиқиб, “Ўзмиллийбанк” АЖ Банклараро ҳисоб-китоб марказининг “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақларида 5 йилдан ортиқ муддатдан буён ҳисоби юритилаётган ундириш манбалари мавжуд бўлмаган умумий қиймати **24 944 982 375,20** (йигирма тўрт миллиард тўққиз юз қирқ тўрт миллион тўққиз юз саксон икки минг уч юз етмиш беш) **сўм 20 тийин, 228 994 227,32** (икки юз йигирма саккиз миллион тўққиз юз тўқсон тўрт минг икки юз йигирма етти) **АҚШ доллари 32 цент, 1 143 731 324,00** (бир миллиард бир юз қирқ уч миллион етти юз ўттиз бир минг уч юз йигирма тўрт) **япон йенаси** миқдоридаги қуйидаги миллий ва хорижий валюталарда ажратилган кредитлар бўйича қарздорликлар қолдиқларини ҳисобдан чиқариш лозимлиги айтиб ўтилди

№	Қарз олувчи	СТИР	Сўндирилмаган қарздорликлар қолдиғи				
			Асосий қарз (95413 х/р)			Фоизлар ва комиссиялар (91501/91505 х/р)	
			Сўм	АҚШ доллари	Япон йенаси	Сўм	АҚШ доллари
1	“УзОлмонХотел” МЧЖ ҚК	203041456					5 368 632,42
2	“Болалар Таомлари холдинг” ОАЖ	202273990	4 727 753 748,00	44 317 507,73		4 257 719 132,39	29 522 325,38
3	“Оқсарой тўқимачи ЛТД” ҚК	202066583			1 143 731 324,00		3 287 000,41
4	“Ҳобас карпет” ҚК	202589043		29 050 935,41			26 580 213,65
5	“Ҳива капед” ҚК	203613874		7 779 506,37			4 124 162,32
6	“Фарғона Фуран бирикмалари кимё заводи” УК	200147468	6 651 155 039,77	31 648 984,69		9 308 354 455,04	37 726 129,57
7	“Енгил саноат Импекс” ОАЖ (қарздор СП“Аснам Текстиль СТИР:201567435)	201005406					3 105 801,56
8	“ФАМ” ҚК	200244774		702 398,06			235 174,88

9	«АЙС ДЖАЙХУН» ҚК	202698557				60 399,41	
10	"ОЛТИН МЕВА" ШК	202619108		292 752,71		386 629,30	
11	«МИФТОХ» ХФ	201709114		118 500,00		300 477,39	
12	«АНДИЖОН МСҚИЧ» МЧЖ	203606004				170 594,46	
13	"Агрос-АБ" ҚК	203611940		841 848,67		2 945 438,83	
14	Косонсой тумани МСИЧХК ассоциацияси	200076690		360 056,00		68 758,10	
<b>Жами</b>			<b>11 378 908 787,77</b>	<b>115 112 489,64</b>	<b>1 143 731 324,00</b>	<b>13 566 073 587,43</b>	<b>113 881 737,68</b>
			<b>Сўм</b>		<b>Япон йенаси</b>		<b>АҚШ доллари</b>
			<b>24 944 982 375,20</b>		<b>1 143 731 324,00</b>		<b>228 994 227,32</b>

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди

1. “Ўзмиллийбанк” АЖ Банклараро ҳисоб-китоб марказининг “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақларида 5 йилдан ортиқ муддатдан буён ҳисоби юритилаётган ундириш манбалари мавжуд бўлмаган жами **24 944 982 375,20** (йигирма тўрт миллиард тўққиз юз қирқ тўрт миллион тўққиз юз саксон икки минг уч юз етмиш беш) **сўм 20 тийин, 228 994 227,32** (икки юз йигирма саккиз миллион тўққиз юз тўқсон тўрт минг икки юз йигирма етти) **АҚШ доллари 32 цент, 1 143 731 324,00** (бир миллиард бир юз қирқ уч миллион етти юз ўттиз бир минг уч юз йигирма тўрт) **япон йенаси** миқдоридagi миллий ва хорижий валюталарда ажратилган кредитлар бўйича қарздорликлар қолдиқларини ўрнатилган тартибда ҳисобдан чиқарилсин.

**Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.**

**“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.**

**“Ўзмиллийбанк” АЖ**

**акциядорларининг умумий йиғилиши раиси**

 **М.Ж. Норғитов**

**Йиғилиш котиби,**

**Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи**

 **Т.Б. Файзиев**